

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МАЛЛАБАЕВ ОДИЛЖОН ТОХИРЖАНОВИЧ**

**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДАГИ АЙЛАНМА  
СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ВА ЮМШАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Маллабаев Одилжон Тохиржанович**

Нефтни қайта ишлаш корхоналаридаги айланма сувларни тозалаш ва юмшатиш жараёнларини такомиллаштириш..... 3

**Маллабоев Одилжон Тохиржанович**

Усовершенствование процесса очистки и смягчения циркуляционных вод нефтеперерабатывающей промышленности ..... 21

**Mallaboyev Odiljon Toxirjanovich**

Improved treatment and mitigation of circulation of petroleum refining waters..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МАЛЛАБАЕВ ОДИЛЖОН ТОХИРЖАНОВИЧ**

**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДАГИ АЙЛАНМА  
СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ВА ЮМШАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К302 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация ниши Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ҳамда "Ziyounet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хурмаматов Абдугаффор Мирзабдуллаевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Боймирзаев Азамат Солдиевич кимё фанлари доктори, профессор Эркабаев Фуркат Ильясович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг «29» сентябр 2020 йил соат «11» да бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7-уй. (тел: (0569) 228-76-71, факс (0569) 228-76-75, E-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 4 рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7-уй. (тел: (0569) 228-76-71, факс (0569) 228-76-75).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» 12 да тарқатилган.  
(2020 йил «15» 12 № 4 рақамли реестр баённомаси



О.К.Эргашев

Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.Ш.Шерқўзиен

Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

И.Д.Эшметов

Илмий даража берувчи илмий ёш аш қошидаги  
Илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда нефтни қайта ишлаш корхоналари айланма техник сувларни юмшатиш ва механик аралашмалардан тозалаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Хозирги кунда нефтни қайта ишлаш заводларида нефт хом ашёларини совутиш учун юмшатилмаган ва механик қўшимчалардан тозаланмаган сувлар ишлатимокда, ушбу сувлар иссиқлик алмашилиш қурилмаларнинг ички юзасида дошқол ҳосил қилиши натижасида технологик ускуналарнинг гидравлик қаршилигини оширади, бу эса ўз навбатида энергия сарфини ҳам оширади, бундан ташқари иссиқлик ва модда алмашилиш жараёнларининг ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун айланма техник сувларни юмшатиш ва уларни механик аралашмалардан тозалашнинг кенг қамровли комплекс технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда айланма сувларни тозалаш ва юмшатиш соҳасидаги қуйидаги илмий ечимларни асослаш: қимматбаҳо реагентлардан фойдаланмасдан айланма сувларни юмшатиш жараёнини такомиллаштириш; саноат сувларини тозалаш учун самарадорли технологик линияларни ишлаб чиқиш; саноат сувларини коллоид-кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда уларни калций ва магний ионларидан тозалаш қонуниятларини очиб бериш; айланма сувларни механик аралашмаларининг қаттиқ майда дисперс зарраларидан тозалаш жараёнларини такомиллаштириш зарур.

Республикада айланма сувларни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш соҳасида маълум назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Соҳани сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш орқали ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, айланма сувни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш учун энергия тежамкор технологик линияни яратиш ва ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

технологияларни ривожлантиришнинг VII «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Т.Д.Ефремова, О.М.Енишерлова, Л.А.Кульский, П.П.Строкач, Б.А.Френкель, В.М. Лукьяненко, А.В.Таранец, З.С.Салимов, У.К.Ахмедов, Ф.И.Эркабаев, А.М.Кудратов, Д.Ж.Жумаева ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ишлар коллоид кимё, нефт кимёси, нефтни қайта ишлаш, нефт ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва қурилмалари соҳасидаги муаммоларга бағишланган бўлиб, шунингдек, коллоид кимё, саноатнинг кимё ва нефтни қайта ишлаш тармоқлари жараёнлари ва қурилмаларининг назарий асосларини ривожлантиришга йўналтирилган ва амалиётга жорий қилишга бағишланган.

Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар кимёвий технология, коллоид ва мембрана кимёси, нефт кимёси, нефтни қайта ишлаш, нефт ва газни қайта ишлаш жараёнларининг назарий асослари жараёнларни жадаллаштиришга, технологик қурилмаларни лойиҳалаш асосларини яратиш тавсия этилган.

Шу билан бирга айланма сувларнинг иссиқлик алмашилиш қурилмалари қувурларида ҳаракатланиш жараёнларини гидродинамикаси, уларнинг гидравлик қаршиликларининг ортиши ва саноат сувларини қурилмаларга узатиш учун насосларнинг қувватини ҳисоблашда айланма сув ва механик аралашмаларнинг коллоид кимёвий таркибини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин, айланма сувнинг юмшатилиши, механик қаттиқ заррачаларни ажралишга самарадорлигига суюқ оқимларнинг гидродинамик режимларининг таъсири, айланма сувни механик аралашмалардан тозалаш учун энергия сарф-харажатлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот режаларининг 2019 йил 24 майда «Наманган сув таъминоти» МЧЖ билан тузилган №15/24 рақамли «Техник сувларни юмшатиш ва механик қўшимчалардан тозалаш технологияси» мавзусидаги хўжалик шартнома доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** айланма саноат сувларини коллоид кимёвий хусусиятларини ҳисобга олиб уларни юмшатиш ва механик аралашмалардан тозалаш учун самарадорли технология ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кальций ва магний ионларини камайтириш орқали айланма сувларни юмшатиш жараёнини ўрганиш;

айланма сувларни юмшатиш самарадорлигига реагентлар нисбати таъсирини ўрганиш;

айланма сувларни коллоид-кимёвий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг таркибидан қаттиқ заррачаларни ажратишнинг самарали усулини ишлаб чиқиш;

гравитация майдонида айланма сувлар таркибидаги қаттиқ заррачаларини чўкиш жараёнини ўрганиш;

айланма сувларни юмшатиш ва тозалаш учун самарадорлиги юқори бўлган технологик линия ишлаб чиқиш;

айланма сувларни юмшатиш ва тозалаш технологик жараёнининг мақбул режим-конструктив кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Тўдакўл ва Қуймазор айланма сувлари ва турли ўлчамдаги механик аралашмаларнинг қаттиқ заррачаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** айланма сувларни юмшатиш ва механик аралашмалардан тозалашнинг гидродинамик ва технологик жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида экспериментларни режалаштириш, эксперимент маълумотларини статистик қайта ишлаш, айланма сувларни физик ва термофизик ҳоссаларини аниқлаш, моделлаштириш тамойиллари ва ўхшашлик назарияси, эксперимент маълумотларини компьютерда қайта ишлаш ва кимёвий техникадаги математик методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

айланма саноат сувларининг қаттиқлигини 47 мг-экв/л дан 2,2 мг-экв/л га камайтиришнинг максимал самараси ва юмшатиш учун энг мақбул реагент нисбати (0,1%) аниқланган;

саноат сувлари таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг дисперслиги ва ёпишқоқлиги ҳамда уларнинг гравитация майдонида чўкиш тезликлари аниқланган;

жараён самарадорлигининг босимга, гидравлик қаршиликга, реагент нисбати ва бошқаларга корреляцион боғлиқлиги исботланган;

майда дисперсли ва йирик қаттиқ заррачаларни ажратишнинг 99,9% гача таъминлаб берувчи комплекс усул ишлаб чиқилди ва турли ўлчамдаги 5 мкм дан 500 мкм гача бўлган қаттиқ заррачаларни чўкиш тезликлари аниқланган;

техник айланма сувларни юмшатиш, майда ва йирик дисперс заррачалардан тозалаш жараёнининг мақбул режим-конструктив кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иссиқлик алмашиниш қувурларининг ички юзасида дошқол ҳосил бўлишини олди олинган;

иссиқлик алмашиниш ускунасининг ички юзасида тўпланган механик аралашмалар туфайли ортиб бораётган гидравлик қаршиликни енгиб ўтиш, шунингдек иссиқлик алмашинадиган қувурларнинг ички юзасини тозалаш учун реагентлар миқдори ва иссиқлик алмашиниш қурилмаларини даврий тозалаш учун энергия сарфи камайиши асосланган;

нефтьгазконденсати аралашмаларини совитиш учун ишлатиладиган сувнинг сифати ва айланма сув таркибида механик аралашмалар ва туз

йўқлиги сабабли иссиқлик ва масса узатиш жараёни яхшилаш шароитлари ишлаб чиқилган;

айланма сувларни механик аралашмалардан саноат шароитида юмшатиш ва тозалаш учун технологик линия ва унинг оптимал режим-конструктив кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тажриба маълумотларининг назарий натижалари ва адабиёт манбаларидаги ҳисоб-китоблар билан мос келиши, шунингдек ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳисобланган ва лойиҳаланган қурилмаларнинг саноат синовидан муваффақиятли ўтганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти айланма сувларни коллоид кимёвий хоссаларини ҳисобга олиб, уларни юмшатиш ва механик аралашмалардан тозалаш технологик линиясини ишлатиш учун аниқ йўриқнома ишлаб чиқилганлиги билан асос бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иссиқлик алмашинадиган ускуналарни даврий тозалаш учун энергия харажатларини камайтирилиши ва иссиқлик алмашилиш ускуналарининг ички юзасида тўпланган механик аралашмалар туфайли гидравлик қаршилиқни ортисини бартараф этиш, шунингдек иссиқлик алмашилиш қурилмалари қувурларининг ички юзасини тозалаш учун реагентлар миқдори камайтирилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Айланма саноат сувларини юмшатиш ва механик аралашмалардан тозалаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

коллектор сувларини механик кўшимчалардан тозалаш технологияси «Ўзбекнефтегаз» АЖда 2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 11-сентябрдаги №03/17-5/20-18А-сон маълумотномаси). Натижада, иссиқлик алмашилиш қурилмаларининг ички юзаларида қотиб қолган дошқоллар ҳисобига ошадиган гидравлик қаршилиқни енгиш учун кетадиган энергия сарфи қисқартириш имконини берган;

циркуляцион техник сувларни юмшатиш технологияси «Ўзбекнефтегаз» АЖда 2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 11-сентябрдаги №03/17-5/20-18А-сон маълумотномаси). Натижада, нефтгазконденсати аралашмаларини совитиш учун ишлатиладиган сувларнинг сифат кўрсаткичлари яхшилаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 6 та мақола, жумладан 4 та маҳаллий нашрларда, 2 та чет эл журналларида.



**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 101 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги, унинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Техник айланма сувларни тозалаш ва юмшатиш усуллари ва таҳлиллари**» деб номланган бобида, айланма сувларни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатишнинг асосий усуллари кўриб чиқилган, айланма сувлар таркибидаги механик аралашмаларнинг қаттиқ заррачаларининг дисперслиги таҳлил қилинган, саноат сувларини қаттиқ аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш қуриламаларининг конструкцияларининг қиёсий таҳлили келтирилган, айланма сувларни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатишнинг хусусиятлари ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Айланма сувларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва уларни механик аралашмалардан тозалаш жараёнини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида саноат сувларнинг механик аралашмаларнинг дисперслиги ва ёпишқоқлиги аниқланган, айланма сувларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича натижалар келтирилган.

Бухоро вилоятининг Тудакўл ва Қашқадарё вилоятининг Куймозор сувларининг кимёвий (элемент) таркиби (БухНҚИЗда углеводород хом ашёларни совитиш учун ишлатилади) Гидроминерал ресурслар геологияси институтининг «Гидрокимёвий лаборатория» мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганилди. Олинган натижалар 1 ва 2 жадвалларда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Тўдакўл суви таркибидаги элементлар таҳлили натижалари

	Элемент номи					
	<i>Hg</i>	<i>Al</i>	<i>As</i>	<i>Be</i>	<i>Mo</i>	<i>Mn</i>
Элементлар миқдори, мг/л	0,00006 3	0,030	0,0035	0,000004	0,0075	0,0059
РЭМ (рухсат этилган меъёр), мг/л	0,0005	0,2	0,05	0,0002	0,25	0,1

Тўдакўл сувининг таркибидаги *Hg* миқдори 0,0000063 мг/л ташкил қилади, РЭМ бўйича эса унинг концентрацияси 0,0005 мг/л дан ортмаслиги лозим (1-жадвал). *Al* миқдори 0,030 мг/л га тенг бўлиб, РЭМ бўйича эса бу кўрсаткич 0,2 мг/л ни ташкил этади. Шу билан бир қаторда, текширилаётган сувнинг таркибида бошқа элементлар (*Pb, Ni, Se, Cu, Zn, Cd, Sr*) миқдори ҳам аниқланди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Тўдакўл суви таркибидаги элементлар таҳлили натижалари

	Название элементы						
	<i>Pb</i>	<i>Ni</i>	<i>Se</i>	<i>Cu</i>	<i>Zn</i>	<i>Cd</i>	<i>Sr</i>
Элементлар миқдори, мг/л	0,00011	0,0029	0,0066	0,010	0,0037	0,000031	3,4
РЭМ (рухсат этилган меъёр), мг/л	0,03	0,1	0,01	1,0	3,0	0,001	7,0

2-жадвалга кўра, Тўдакўл сувидаги *Pb* миқдори 0,00011 мг/л ни ташкил қилади, меъёрий талаблар бўйича ушбу кўрсаткич 0,03 мг/л дан ошмаслиги зарур. Олиб борилган тадқиқотлар давомида ўрганилаётган сувнинг таркибидаги элементлар миқдори меъёр талабларидан ортмаслигини кўрсатади (1- ва 2-жадвал). Сувнинг таркибидаги катион ва анионлар миқдорлари ҳам ўрганилди (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Тўдакўл суви таркибидаги катионлар ва анионларнинг таркиби

Катионлар	Концентрацияси		
	мг/л	мг-экв/л	%-экв/л
<i>Na</i> <sup>+</sup>	213	9,27	41
<i>K</i> <sup>+</sup>	6	0,15	1
<i>NH</i> <sub>4</sub> <sup>+</sup>	<0,1	-	-
<i>Ca</i> <sup>2+</sup>	152	7,60	33
<i>Mg</i> <sup>2+</sup>	68	5,60	25
<i>Fe</i> <sup>3+</sup>	<0,3	-	-
<i>Fe</i> <sup>2+</sup>	<0,3	-	-
<b>Жами</b>		<b>22,62</b>	<b>100</b>
Анионлар	Концентрацияси		
	мг/л	мг-экв/л	%-экв/л
<i>Cl</i> <sup>-</sup>	230	6,50	29
<i>SO</i> <sub>4</sub> <sup>-</sup>	675	14,06	62
<i>NO</i> <sub>2</sub> <sup>-</sup>	<0,01	-	-
<i>NO</i> <sub>3</sub> <sup>-</sup>	4	0,06	-
<i>CO</i> <sub>3</sub> <sup>-</sup>	мавжуд эмас		
<i>HCO</i> <sub>3</sub> <sup>-</sup>	122	2,0	9
<b>Жами</b>		<b>22,62</b>	<b>100</b>

3-жадвалдан кўриниб турибдики олиб борилган тадқиқотлар ўрганилаётган сув таркибида турли хил катионлар мавжудлигини кўрсатади

(3-жадвал), яъни ўрганилган сувнинг таркибида  $\text{Na}^+$  - 41%,  $\text{K}^+$  - 1,0%,  $\text{Ca}^{2+}$  - 33% ва  $\text{Mg}^{2+}$ -25% катионлари мавжудлиги, шунингдек,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{Fe}^{2+}$  ва  $\text{Fe}^{3+}$ -катионларини мавжуд эмаслиги аниқланди. Анионлардан эса  $\text{Cl}^-$  - 29%,  $\text{SO}_4^{2-}$  - 62%,  $\text{HCO}_3^-$  - 9 %га тенг бўлганлиги аниқланди,  $\text{NO}_2^-$ ,  $\text{NO}_3^-$  ва  $\text{CO}_3^-$  ионларни йўқлиги аниқланди.

Шу билан бир қаторда Тўдакўл сувининг бошқа кўрсаткичлари ҳам аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### Тўдакўл сувининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Қаттиқлик, мг-эқв/л, умумий	13,20
Бир маргалик	-
Доимий	-
Карбонатли	2,0
Карбонатсиз	11,2
<i>pH</i>	6,5
$\text{CO}_2$ эрк. мг/л	22
$\text{CO}_2$ агрег. мг/л	4
Оксидланиш, мг $\text{O}_2$ /л	1,26
$\text{SiO}_2$ мг/л	10
$\text{H}_2\text{S}$ мг/л	мавжуд эмас
$\text{PO}_4$ мг/л	
<b>Қурук қолдик:</b>	
назарий., мг/л	1488
амалий., мг/л	1419
<b>Физик хусусият:</b>	
Шаффофлик	шаффоф
Таъми	ўртача нордон
Ранги	рангсиз
Хиди	хидсиз
Қолдик	қолдиқсиз
Тиндириш давомийлиги	ўзгаришсиз

4-жадвалдан кўринадики, Тўдакўл сувининг қаттиқлиги 13,2 мг-эқв/л га, мазкур сувнинг водород кўрсаткичи *pH* 6,5 га тенг, яъни деярли нейтрал. Эркин  $\text{CO}_2$  – 22 мг/л,  $\text{CO}_2$  агрег. – 4 мг/л, оксидланиш – 1,26 мг  $\text{O}_2$ /л,  $\text{SiO}_2$  – 10 мг/л,  $\text{H}_2\text{S}$  ва  $\text{PO}_4$  – мавжуд эмас. Ундан ташқари, ушбу сувни физик хоссалари аниқланди: шаффофлиги – шаффоф, таъми – озгина шўр, ранги – рангсиз, ҳиди – хидсиз, чўкма – мавжуд эмас, сақлашдаги ўзгариши – ўзгаришсиз.

Механик аралашмаларнинг қаттиқ зарралари коллоид дисперс система ҳисобланиб, уларнинг ўлчамлари  $0,25 \cdot 10^{-6}$ - $50 \cdot 10^{-6}$  м оралиғида бўлади. Шунингдек, механик аралашмаларнинг қаттиқ зарраларини дисперслигини ўргандик. Ўтказилган тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

## 5-жадвал

### Қуймазор суви таркибидаги механик аралашмаларнинг қаттиқ заррачаларини дисперс таркиби

Заррачалар ар ўлчами, мкм	<0,25	0,5-0,25	0,5-1,0	1,0-2,0	2,0-3,0	3,0-5,0	5,0-10	10-20	20-50	Σ
% да	24,3	16,9	14,4	11,6	9,4	7,3	6,8	5,4	3,9	100

5-жадвалга кўра, айланма сув таркибидаги механик аралашмаларни 20-50 мкм ўлчамдаги қаттиқ заррачаларни концентрацияси 3,9%, 10-20 мкм ўлчамдаги заррачаларни концентрацияси 5,4 %, 5-10 мкм ўлчамдаги заррачаларни концентрацияси эса 6,8 %ни ташкил қилади. Механик аралашмаларни 0,25 мкм ўлчамидаги қаттиқ заррачалар концентрацияси 24,3% ташкил қилади, яъни қаттиқ заррачалар ўлчамлари кичиклашган сари уларнинг концентрацияси ортиб боради.

Гравитация майдонида айланма сувларни тозалашда ҳам қаттиқ заррачаларни коагуляцияси кузатилади. Гравитация майдонида қаттиқ заррачаларни коагуляция жараёни ўрганилганида кичик дисперс заррачаларга нисбатан дисперслиги юқори бўлган қаттиқ заррачалар тезроқ чўкмага тушганлиги аниқланди. Бунда дисперслиги юқори бўлган қаттиқ заррачалар кичик дисперс заррачаларни сорбциялайди ва ўлчами катта бўлган йирик чўкма ҳосил бўлади. Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган.

## 6-жадвал




### Қаттиқ заррачаларнинг ёпишқоқлик даражаси

Заррачалар ар ўлчами, мкм	<0,25	0,5-0,25	0,5-1,0	1,0-2,0	2,0-3,0	3,0-5,0	5,0-10	10-20	20-50	Σ
Чўктиришдан олдин										
%	24,3	16,9	14,4	11,6	9,4	7,3	6,8	5,4	3,9	100
Чўктиришдан кейин										
%	22,1	15,3	13,6	10,2	8,92	6,7	7,5	7,78	7,9	100





6-жадвалдан кўринадики, ўлчамлари (<0,25 мкм 3,0-5,0 мкм гача бўлган) кичик дисперс қаттиқ заррачаларни миқдори 22,1% дан 6,7 % гача камаяди, дисперслиги юқори (5,0-10÷20-50 мкм) бўлган заррачаларни миқдори эса 3,9% дан 7,9% гача ортади.

Диссертациянинг «Айланма сувларни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш жараёнларининг тадқиқоти» деб номланган учинчи бобда турли хил технологик омилларнинг айланма сувларни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш самрадорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар натижалари берилган.

Айланма сувларнинг қаттиқлигини пасайтириш учун қуйидаги реагентлар:  $Na_3PO_4$ +сулфонал;  $Na_2HPO_4$ ;  $Na_2HPO_4$ +сулфонал;  $Ca(OH)_2$ ; 0,2 % ли  $Na_3PO_4$  аралашмалар ишлатилди. Бунинг натижасида қуйидаги кимёвий реакциялар юзага келди:



В



Айланма сувни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш учун Куймазор сувлари ишлатилди. Ҳар бир тажриба синов сувининг дастлабки қаттиқлиги 47 мг-эқв/л ни ташкил қилди. Тажриба-синов сувини юмшатиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари 7-11-жадвалларда келтирилган.

#### 7-жадвал

***Na<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>* + сулфонал реагентлари ёрдамида Куймазор сувининг қаттиқлигини пасайтириш натижалари (сувнинг қаттиқлиги 47 мг-эқв/л)**

№	Ўрганилаётган сувнинг миқдори, мл	(Na <sub>3</sub> PO <sub>4</sub> + сулфонал), реагенти концентрацияси, мг	Сувнинг қаттиқлиги, мг-эқв./л
1	10	0,01	30
2	10	0,03	20
3	10	0,04	15
4	10	0,05	6
5	10	0,07	5
6	10	0,09	3
7	10	0,1	3

7-жадвалга кўра, 10 мл сувга 0,01 мг  $Na_3PO_4$ + сулфонал реактиви кўшилганда, унинг қаттиқлиги 30 мг-эқв/л ни ташкил этди ва 0,03 мг кўшилганда эса сувнинг қаттиқлиги 20 мг-эқв/л гача тушди. Реагентнинг кейинги кўшилиши 0,04÷0,07 мг бўлганда, тажриба-синов сувининг қаттиқлиги аста-секинлик билан 15 ÷ 5 мг-эқв/л га пасаяди ва 0,09 мг дан 0,1 мг гача реагент кўшилганда, бу кўрсаткич ўзгармади, яъни. 3 мг-эқв/л ни ташкил этди. Ушбу сувнинг қаттиқлигини пасайтириш учун тажрибалар давомида  $Na_2HPO_4$  реагенти ёрдамида ҳам тажрибалар ўтказилди (8-жадвал).

### 8-жадвал

#### **$Na_2HPO_4$ реагентлари ёрдамида Куймазор сувларини қаттиқлигини камайтириш натижалари (сувнинг қаттиқлиги 47 мг-эқв/л)**

№	Ўрганилаётган сувнинг хажми, мл	Реагент концентрацияси ( $Na_2HPO_4$ ), мг	Сувнинг қаттиқлиги, мг-эқв./л
1	10	0,01	31
2	10	0,03	24
3	10	0,05	22
4	10	0,07	21
5	10	0,08	20
6	10	0,1	18
7	10	0,2	18

Сувнинг қаттиқлигини пасайтириш мақсадида тажриба-синов давомида 10 мл текширилаётган сувга 0,01 ÷ 0,2 мг оралиғида  $Na_2HPO_4$  реагенти кўшилди. Натижалар шуни кўрсатадики, сувнинг қаттиқлиги 31 мг-эқв/л дан 18 мг-эқв/л га пасайган. Тажрибалар  $Na_2HPO_4$ + сулфонал реагентлари билан ҳам олиб борилди (9-жадвал).

### 9-жадвал

#### **$Na_2HPO_4$ +сулфонал реагентлари ёрдамида Куймазор сувини қаттиқлигини камайтириш натижалари (сувнинг қаттиқлиги 47 мг-эқв/л)**

№	Ўрганилаётган сувнинг хажми, мл	Реагент концентрацияси ( $Na_2HPO_4$ + сулфонол), мг	Сувнинг қаттиқлиги, мг-эқв./л
1	10	0,01	22
2	10	0,03	16
3	10	0,05	15
4	10	0,07	14
5	10	0,08	14
6	10	0,1	14
7	10	0,2	14

Куймазор сувларининг қаттиқлигини пасайтириш учун 10 мл синов сувига 0,01 ÷ 0,2 мг оралиғида  $Na_2HPO_4$ + сулфонал реагенти кўшилди, натижада сувнинг қаттиқлиги 22 мг-эқв/л дан 14 мг-эқв/л га пасайди, 0,07 мг дан 0,2 мг гача реагент кўшилганда эса сувнинг қаттиқлик кўрсаткичи

ўзгаришсиз қолди ва бу кўрсаткич 14 мг-экв/л ни ташкил этди. Шунингдек,  $Ca(OH)_2$  реагенти ёрдамида сувнинг қаттиқлигини камайтириш бўйича бир қатор тажрибалар ўтказдик.

### 10-жадвал

#### $Ca(OH)_2$ реагенти ёрдамида Куймазор сувларининг қаттиқлигини пасайтириш натижалари (сувнинг қаттиқлиги 47 мг-экв/л)

№	Тажриба-синов сувининг массаси, мл	Реагентнинг концентрацияси $Ca(OH)_2$ , мг	Сувнинг қаттиқлиги, мг-экв/л
1	10	0,01	35
2	10	0,03	40
3	10	0,05	42
4	10	0,07	45
5	10	0,08	50
6	10	0,1	50
7	10	0,2	50

10-жадвал шуни кўрсатадики, 10 мл тажриба-синов сувига 0,01 мг  $Ca(OH)_2$  реагенти қўшилганда, қаттиқлик 35 мг-экв/л ни ташкил этди, 0,03 мг қўшилганда сувнинг қаттиқлиги 40 мг-экв/л ва 0,05 мг қўшилганда сувнинг қаттиқлиги 42 мг-экв/л гача кўтарилди, реагентни 0,08 ÷ 0,2 мг оралиғида қўшилганда, сувнинг қаттиқлиги 50 мг-экв/л гача кўтарилди ва ўзгаришсиз қолди. Бунинг сабабини шундай изохлаш мумкин, кўп миқдордаги калций тузи (Са ионлари) туфайли сувнинг қаттиқлиги ошади.

### 11-жадвал

#### $Na_3PO_4$ реагенти ёрдамида Куймазор сувларининг қаттиқлигини пасайтириш натижалари (сувнинг қаттиқлиги 47 мг-экв/л)


№	Тажриба-синов сувининг массаси, мл	Реагент концентрацияси $Na_3PO_4$ , мг	Сувнинг қаттиқлиги, мг-экв/л
1	10	0,01	24
2	10	0,03	21
3	10	0,05	16
4	10	0,07	7
5	10	0,08	5
6	10	0,1	2
7	10	0,2	2

11-жадвалга кўра,  $Na_3PO_4$  реагентидан 0,01 мг қўшилган сувнинг қаттиқлиги 24 мг-экв/л гача пасайди ва 0,03 мг реагент қўшилганда эса унинг қаттиқлиги 21 мг-экв/л гача пасайди. Реагентнинг кейинги қўшилиши 0,05 дан 0,08 мг гача қўшилганда сувнинг қаттиқлиги 16 мг-экв/л дан 5 мг-экв/л гача пасайди. Реагентдан 0,1 ва 0,2 мг қўшилган сувнинг қаттиқлиги 2 мг-экв/л гача пасайди ва бу кўрсаткич ўзгармади.

Шундай қилиб, нефтни қайта ишлаш заводининг айланма сувларининг қаттиқлигини пасайтириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни

кўрсатадики,  $Na_3PO_4$ + сулфонал аралашмаси;  $Na_2HPO_4$ ;  $Na_2HPO_4$ + сулфонал;  $Ca(OH)_2$  реагентлари айланма сувнинг қаттиқлигини пасайтириш учун яроқсиз ҳисобланади, чунки ушбу реагентлар ёрдамида сувнинг қаттиқлик кийматлари меъёригача пасайишига эришилмади. Саноат айланма сувларининг қаттиқлигини камайтириш учун 0,2% ли  $Na_3PO_4$  реагентидан фойдаланиш тавсия этилади.

Механик аралашмалар қаттиқ зарраларини эркин чўктириш тезлигини аниқлаш учун тортишиш майдонида бир қатор тажрибалар ўтказилди.



### 1-расм. Қурилманинг гидравлик қаршилигини сувни механик аралашмалардан тозалаш самарадорлигига таъсири.

Фильтр қурилмасининг гидравлик қаршилигини 2150 Па га ошиши, айланма сувларнинг майда дисперс қаттиқ заррачалардан тозаланиш даражаси эса 96,70% ни ташкил этади. Қурилманинг гидравлик қаршилиги 2340 Па га ўзгарганда эса тозалаш самарадорлиги 97,10% ни ташкил қилади. Қурилманинг гидравлик қаршилигининг 3440 Па га кўтарилиши, тозалаш даражаси ҳам ошади ва бу кўрсаткич 99,60% ни ташкил қилади.


Шундай қилиб, айланма сувларни филтрлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, филтрлаш тўсиғидаги қаттиқ қатлам концентрациясининг 10% дан 50% гача кўтарилиши қурилманинг гидравлик қаршилигини 2150 ÷ 3440 гача кўтарилишига олиб келади, бундан ташқари филтрат хажми камаяди ва шу билан бирга қурилманинг тозалаш самарадорлиги чегара меъёрларига етиб 99,38% ни ташкил этади. Бунинг сабаби, айланма сувлар механик аралашмаларининг майда дисперс қаттиқ



зарраларидан тозалаш учун филтрлаш жиҳозларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «Янги технологиянинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқариш шароитида айланма сувларни юмшатиш ва механик қўшимчалардан тозалаш жараёнларини ўрганиш ҳамда таклиф этилаётган технологияни жорий қилишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорликлар келтирилган.

Маҳсулот концентрациясининг максимал қийматини таъминлайдиган тавсия этилган оптимал иш режими кириш омилларининг қуйидаги қийматларига мос келади: ҳарорат  $62,5^{\circ}\text{C}$ ; босим  $2,28 \text{ кгс/см}^2$ ; аралаштиргичнинг айланиш тезлиги  $33,2 \text{ айл./мин}$ .



**2-расм. Айланма сувларни механик аралашмалардан тозалаш ва юмшатиш технологик линияси:** 1- тиндиргич; 2-филтр; 3- аралаштиргич; 4- тозаланган сув учун идиш; 5-иссиқлик алмашиниш қурилмаси; 6- иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг блоги; 7-13-насослар; 14-20- задвижкалар.

Олиб борилган тадқиқотларда ишлаб чиқариш шароитида технологик линияни турли параметрларини техник сувни ҳар хил қаттиқ аралашмалардан тозалашга ва қаттиқлигини камайтириш жараёнига таъсири ўрганилди. Бунда тиндиргичга кириб бораётган сув оқимини тезлиги  $0,1 \div 1,0 \text{ м/с}$  оралиғда ўзгартирилган. Тажрибалар давомида қаттиқ заррачалар фракцияларини чўкмага тушиш тезлиги аниқланди (12-жадвал).

## 12-жадвал

### Қаттиқ заррачаларни чўкиш тезлигига заррачалар ўлчамларининг боғлиқлиги

№	Заррачалар ўлчами, мкм	Чўкиш тезлиги, м/с, $10^3$	Чўкиш вақти, сек	Қаттиқ заррачалар концентрацияси, %
1	< 500	9,46	0,0283	0,81
2	< 400	9,42	0,0282	1,22
3	< 300	9,35	0,0280	1,96
4	< 200	9,33	0,0280	2,12
5	< 100	9,28	0,0278	2,61
6	< 80	9,25	0,0277	2,98
7	< 60	9,18	0,0275	3,66
8	< 40	9,15	0,0274	4,02
9	< 20	8,46	0,0254	11,20
10	< 10	8,14	0,0244	14,60
11	5 мкм гача	0,00043 чўкмага тушмайди	$1,29 \cdot 10^{-6}$	54,82

III бобда олиб борилган тадқиқотлар асосида айланма сувларнинг турли хил реагентлар билан қаттиқлигини камайтириш бўйича саноат тажрибалари ўтказилди. Тадқиқот қилинаётган Куймазор сувининг умумий қаттиқлиги 47 мг-экв./л ни ташкил қилади. Хар бир реагент турли хил нисбатларда 1 тонна сув учун синовдан ўтказилди. Натижалар 13-жадвалда келтирилган.

## 13-жадвал

### Саноат шароитида айланма сувларнинг қаттиқлигини пасайтириш натижалари

0,2 % ли $Na_3PO_4$ , г	Қаттиқлик, мг-экв./л	$Na_3PO_4$ + сульфонол, г	Қаттиқлик, мг-экв./л	$Na_2HPO_4$ , г	Қаттиқлик, мг-экв./л	$Na_2HPO_4$ + сульфонол, г	Қаттиқлик мг-экв./л
70	8	70	7,4	70	28	70	18
80	6,5	80	6,1	80	22	80	16
100	2,2	100	2,9	100	17	100	15
200	2,1	200	2,7	100	15	100	13

13-жадвалдан кўришиб турибдики, хар бир тажриба учун реагент миқдори 70 г да хар бир тажриба учун реагент миқдори 70 г да 200 г гача ўзгарган. Натижада айланма сувларни юмшатувчи мақбул реагент сифатида миқдори 200 г/т бўлган 0,2 % ли  $Na_3PO_4$  танланганлиги ва сувнинг қаттиқлиги эса 47 мг-экв./л дан 2,1 мг-экв./л гача пасайганлиги аниқланди.

Кўшилган реагент оғирлигининг 200 г/тоннагача ўзгариши, сув қаттиқлигининг пасайиш кўрсаткичлари деярли ўзгармади.

14-жадвалда таклиф этилган технологик линиянинг қиёсий техник кўрсаткичлари келтирилган.

#### 14-жадвал

#### Таклиф этилаётган ускунанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номлари	Тиндиргичлар	Фильтр
1.	Гидравлик каршилик, Па	2950	3300
2.	Механик аралашмалардан тозалаш самарадорлиги, %	20	99,9
3.	Тозаланган сувдаги майда дисперс заррачаларнинг қолдиқ концентрацияси, мг/м <sup>3</sup>	80,6	0,1
4.	Иш унумдорлиги, м <sup>3</sup> /сут	154	193
5.	Эгаллаган майдони, м <sup>2</sup>	60,5	18

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида техник айланма сувларни қаттиқ йирик дисперс заррачалардан тозалаш учун горизонтал тиндиргич, кичик дисперс заррачалардан тозалаш учун эса фильтр аппарат ва тозаланган техник сувни умумий қаттиқлигини меъёрга келтириш учун кимёвий реагент – 0,2%-ли  $Na_3PO_4$  (100 г/т миқдорда) қўлланилиши таклиф этилди ва ушбу технологик линияни қўлланилиши натижасида тозаланган сувнинг қаттиқлиги 2,1 мг-экв/л гача камайди.

Таклиф этилаётган технологияни жорий қилишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 240 млн.сўм.

### ХУЛОСАЛАР

Саноат сувларини юмшатиш ва механик аралашмаларнинг майда қаттиқ заррачаларидан тозалаш соҳасида олиб борилган энг муҳим тадқиқотлар бизга қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

1. Техник сувлар коллоид-дисперс система ҳисобланади, унинг таркибида қаттиқ заррачалар ўлчами  $0,25 \cdot 10^{-6} - 50 \cdot 10^{-6}$  м гача ўзгариб туриши ҳамда ушбу сувлар майда қаттиқ заррачалар ( $< 0,25 \div 50$  мкм) билан аралашма ҳолида ва юқори қаттиқликда (47 мг-экв/л гача) бўлиши билан изоҳланади.

2. Гравитация майдонида айланма сувлар таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг дисперслиги когуляция ҳисобига  $< 0,25 \div 5,0$  мкм гача бўлган заррачаларнинг миқдори 22,1 % дан 6,7 % гача камайиши, 50 мкм гача бўлган заррачаларнинг миқдори 3,9 % дан 7,9 % гача ортиши кузатилади.

3. Тўдакўл сувининг таркибида  $Hg - 0,0000063$  мг/л,  $Al - 0,030$  мг/л,  $As - 0,0035$  мг/л,  $Be - 0,000004$  мг/л,  $Mo - 0,0075$  мг/л,  $Mn - 0,0059$  мг/л,  $Pb -$

0,0001 мг/л,  $Ni$  – 0,0029 мг/л,  $Se$  – 0,0066 мг/л,  $Cu$  – 0,010 мг/л,  $Zn$  – 0,0037 мг/л,  $Cd$  – 0,000031 мг/л,  $Sr$  – 3,4 мг/л элементлари борлиги билан изоҳланади.

4. Нефтни қайта ишлаш заводи айланма сувларининг қаттиқлигини камайтириш учун  $Na_3PO_4$ +сульфонал аралашмаси;  $Na_2HPO_4$ ;  $Na_2HPO_4$ +сульфонал;  $Ca(OH)_2$  айланма сувнинг қаттиқлигини пасайтириш учун яроқсизлиги исботланди, ушбу айланма саноат сувларининг қаттиқлигини камайтириш учун 0,2 % ли  $Na_3PO_4$  дан фойдаланиш тавсия этилди.

5. Критик зонада қаттиқ қатлам концентрациясининг 10 % дан 50 % гача ошиши қурилманинг гидравлик қаршилигини 2150÷3440 Па оралиғида ортиши, бундан ташқари, филтрат миқдорининг камайиши кузатилади.

6. Нефтни қайта ишлаш заводи айланма саноат сувларини қаттиқлигини камайтириш ва механик аралашмалардан тозалаш учун тиндиргич, филтрлаш қурилмаси ва иссиқлик алмашилиш қурилмаларидан иборат бўлган самарадорли саноат технологик линияси ишлаб чиқилди ва мақбул режим-конструктив кўрсаткичлари тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПРИ  
НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**  

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**МАЛЛАБАЕВ ОДИЛЖОН ТОХИРЖОНОВИЧ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ОЧИСТКИ И СМЯГЧЕНИЯ  
ЦИРКУЛЯЦИОННЫХ ВОД НЕФТЕПЕРЕРАБАТЫВАЮЩЕЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган - 2020**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из актуальнейших на сегодняшний день проблем в мире является проблема умягчения и очистки циркуляционных технических вод от механических примесей нефтеперерабатывающей промышленности. В настоящее время на нефтеперерабатывающем заводе для охлаждения нефтегазоконденсатного сырья используются не очищенная и не умягченная вода. Эти воды приводят к накоплению механических примесей, т.е. накипообразованию внутренней поверхности теплообменных аппаратов, в результате, повышается гидравлическое сопротивление технологических оборудований и требуются большие энергозатраты, а также ухудшаются теплообменные и массообменные процессы. Потому разработка комплексной технологии по умягчению и очистке циркуляционных вод от механических примесей является актуальной проблемой.

В мире необходимо обосновать следующие научные решения в области по умягчению и очистки циркуляционных вод: усовершенствование процесса умягчения циркуляционных вод без использования дорогих реагентов; разработка эффективных технологических линий для очистки технических вод; выявление закономерности очистки технических вод от ионов кальция, магния и др. с учетом их коллоидно-химических свойств, усовершенствовать процессы разделения твердых мелкодисперсных частиц механических примесей циркуляционных вод и т.д.

В республике достигнуты определенные теоретические и практические результаты в области умягчения и очистки циркуляционных вод от механических примесей. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи по «подъему промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, и дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска новых видов продукции и технологий»<sup>1</sup>. В этой сфере, в том числе, имеют важные значения научные исследования по разработке и созданию энергосберегающей технологической линии для смягчения и очистки циркуляционных вод от механических примесей.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан ПК-4947 “О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”

2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Решению широкого круга проблем в областях коллоидной химии, нефтехимии, нефтепереработки, а также процессов и аппаратов нефтегазопереработки посвящены работы – Т.Д.Ефремов, О.М.Енишерлов, Л.А.Кульский, П.П.Строкач, Б.А.Френкель, В.М. Лукьяненко, А.В.Таранец, З.С.Салимов, У.К.Ахмедов, Ф.И.Эркабаев, А.М.Кудратов, Д.Ж.Жумаева и другими проводились исследования, направленные на развитие коллоидной химии, теоретических основ процессов и аппаратов химической и нефтеперерабатывающей отраслей промышленности и внедрены в практику.

Теоретические и прикладные исследования этих ученых посвящены развитию химической технологии, коллоидной и мембранной химии, нефтехимии, нефтепереработки и теоретических основ процессов нефте- и газопереработки, интенсификации процессов и созданию основ расчета и проектирования технологического оборудования.

